

МИГРАЦИОН ИНҚИРОЗНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Жалилов Бахтиёр Норкулович

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
катта ўқитувчи

АННОТАЦИЯ

Бугунги глобллашув жараёнида миграция масаласи тобора долзарблик касб этиб бормоқда. миграция жараёни муайян вақтларда кучайиб-пасайиш тенденциясига эга бўлиб, маълум ҳудуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий, керак бўлса, сиёсий таъсирини ўтказди. Шу боисдан ҳам миграция жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш, уни бошқариш масалалари алоҳида эътибор талаб қилади.

Калит сўзлар: глобллашув жараёни, миграция масаласи, фуқароларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари, глобализация ва интеграцион жараёнлар, фан, техника, технология, замонавий коммуникациялар

АННОТАЦИЯ

Этот вопрос задают вопросы и ответы на этот вопрос. миграция определенного времени варлада кучайиб-пасайишская теннессига эга буллуб, известный как территория, страна, регион ижтимоий хаеитига ўзининг ижобий, сальбий, керак булса, политик влияет на ўтказди. Каблуки обеих прав ежегодно, уни ассоциация требует отдельной посадки.

Ключевые слова: процесс глобализации, проблема миграции, права, интересы граждан, процессы глобализации и интеграции, наука, технологии, современные коммуникации

ABSTRACT

In today's globalisation, the issue of migration is becoming increasingly relevant. the process of migration has a tendency to decline at certain times and has its own positive, negative, if necessary political impact on the social life of a certain region, country, region. Therefore, the legal regulation of the migration process and its management require special attention.

Keywords: the process of globalization, the issue of migration, the rights, interests of citizens, globalization and integration processes, science, technology, modern communications.

КИРИШ

XIX аср охири ва XX аср бошида олимлар тилида глобаллашув деган жумла пайдо бўлди.

Глобаллашув инсоният ақл-заковати, иқтидори ва тинмай амалга оширилган меҳнати эвазига фан, техника, технология, замонавий коммуникациялар тизимида ҳаракатга келаётган жараён бўлиши билан бир вақтда, ана шу омилларнинг неъматидир.

Чунки инсоният ҳам ўз тараққиёти тарихида эриша олмаган ютуқларни бугун унинг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда қўлга киритмоқда. Лекин шуниси аниқки, юқорида қайд этилган ютуқлар бугунги тараққиётга қанчалик ижобий таъсир ўтказаётган бўлмасин, унинг “оммавий маънавият”ни шакллантириши ва уни тараққиёт ёълига кириб бораётган миллатлар миллий маънавиятига сингдиришга ўтказаётган таъсири билан солиштира, инқирознинг тоши оғирлашиб бораётганлиги кузатилади. Албатта, бир томондан қараганда, бу жараённинг ижобий жиҳатлари ҳам йўқ эмас.

Чунончи, кўпгина мамлакатларга фан-техника, технология ютуқларининг жадал кириб келиши глобаллашув туфайли. Бу эса уларнинг иқтисодий ҳаёти ривожига, халқлар турмуш даражасининг ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу тариқа башариятнинг умумий интеллектуал салоҳияти юксалишига ёрдам бермоқда.

Шунингдек, бугунги кунда халқаро миграция ички миграцияга нисбатан кучли оқимларни ҳосил қилиб, бир томондан норасмий меҳнат миграцияси улуши ошиб борса, иккинчи томондан, мажбурий ташқи миграция сальдоси ўсмоқда. Натижада, қабул қилувчи мамлакатлар, мигрантларнинг нисбатан ожиз қатламлари саналган аёллар ва болаларни жойлаштириш ва улар учун зарурий ижтимоий шарт-шароитларни яратиб беришда молиявий муаммоларга дуч келмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумотларга кўра, дунёнинг турли мамлакатларида ўртача 232 миллион нафар мигрант яшайди. Уларнинг аксарияти сайёрамизнинг шимолий мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Европа меҳнат муҳожирлари орасида энг жозибадор манзил ҳисобланади. 2019 йил ҳолатида минтақа 82 миллион муҳожирни қабул қилган бўлиб, ундан кейинги ўринларни Шимолий Америка (59 миллион), Шимолий Африка ва Ғарбий Осиё мамлакатлари (49 миллион) эгаллаган.

Охирги ўн йилликларда глобализация ва интеграцион жараёнларининг жадал ривожланиши халқаро меҳнат алмашинувида ҳам ўз аксини топди.

Бирлашган миллатлар ташкилоти ва Жаҳон иқтисодий форуми маълумотларига кўра, 2015-2019 йиллар оралиғида халқаро меҳнат муҳожирлари сони 11,4%га кўпайган. 2019 йилда муҳожирлар сони жаҳон аҳолисининг 3,5 фоизини ташкил қилган ва ушбу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 25%га ошган.

Муҳожирларнинг аксарияти (60%) ўз минтақасидаги қўшни мамлакатларга кўчиб ўтган. Хусусан, 2015 йилда 59 миллионга яқин осийлик ўз юртидан минтақадаги бошқа мамлакатга кўчиб ўтган бўлса, 40 миллион европалик Европанинг бошқа давлатларида қўним топган.

Умуман олганда, Европа меҳнат муҳожирлари орасида энг жозибадор манзил ҳисобланади. 2019 йил ҳолатида минтақа 82 миллион муҳожирни қабул қилган бўлиб, ундан кейинги ўринларни Шимолий Америка (59 миллион), Шимолий Африка ва Ғарбий Осиё мамлакатлари (49 миллион) эгаллаган.

Пандемиянинг халқаро меҳнат миграциясига таъсири аксарият меҳнат муҳожирлари иқтисодиётнинг норасмий секторида вақтинча ва ҳуқуқлари ҳимояланмаган ишларда фаолият юритишади. Кўпгина мамлакатларда ушбу тоифадаги инсонлар ўша давлатдаги миллий меҳнат қонунчилигига амал қилмаганлиги сабабли, пандемия каби фавқулодда вазиятларда уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя чораларидан фойдалана олмаслик хавфи юқори. Хусусан, КОВИД-19 билан боғлиқ инқироз шароитида баъзи мамлакатларда меҳнат муҳожирларига нисбатан дискриминация, ишдан бўшатиш, меҳнат шароитининг ёмонлашиши ва бошқа шу каби салбий ҳолатларнинг ошиши кузатилмоқда.

Аксарият муҳожирларнинг турли сабабларга кўра соғлиқни сақлаш тизимидан фойдалана олмаслиги, вируснинг янада кенг ва жадал суръатларда тарқалишига олиб келмоқда. Аксинча, тиббий хизматлардан фойдаланган тақдирда, бу уларнинг молиявий аҳволини янада ёмонлаштириб, камбағаллик қопқонига тушиш эҳтимолини кўпайтиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, иқтисодий инқироздан олдинги даврда дунё бўйлаб йилига 100 миллион нафар аҳоли соғлиқни сақлаш учун сарфланган харажатлар туфайли камбағаллик даражасига тушиб қолар эди.

Шунингдек, қаттиқ карантин чораларининг жорий қилинганлиги ва давлатлараро транспорт қатновларининг чекланганлиги туфайли муҳожирлар меҳнат бозоридаги иш ўринларнинг кескин камайиши ва иш ҳақи миқдорининг тушиши каби қийинчиликларга дуч келишмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилнинг иккинчи чорагида иш ўринларининг қисқариши дунё бўйлаб 10,5 %га тенг бўлди. Бошқача айтганда, жорий йилнинг 2-чорагида дунё бўйлаб ишсизлар сони 195 миллион нафарга кўпайди.

Минтақалар кесимида, Америка (-12,4%), Европа ва Марказий Осиё (-11,8%) ҳудудларида рақамлар ўртача кўрсаткичлардан ҳам салбийроқ тус олди. Ундан ташқари муҳожирларнинг аксарияти фаолият олиб борадиган иқтисодиётнинг норасмий тармоқларидаги ўртача иш ҳақи -60%га қисқарган бўлиб, Европа ва Марказий Осиё минтақасида мазкур қисқариш -70%га тенг[1].

Маълумки, бугунги кунда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳар бир мамлакат олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Миграция масалалари, айниқса, охириги ўн йилликда жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган минтақавий ва маҳаллий низолар, ишсизлик, қашшоқлик каби муаммолар замирида янада аҳамиятли бўлиб бормоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 250 миллиондан ортиқ шахс миграцион жараёнларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Мамлакатимизда мигрантлар ҳуқуқларини кафолатлаш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш мақсадида 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, 2020 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини такомиллаштириш, чет элда ишлашни истаган шахсларни ўқитиш, чет элда бўлиш пайтида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, шунингдек қайтиб келган меҳнат муҳожирлари, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қарори қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида жамият, давлат ва инсон манфаатларига дахлдор миграция масалаларини ҳал этиш, соҳадаги муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, мигрантлар ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш назарда тутувчи “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди[2].

Демак, миграцияга нафақат ташкилий, балки қонуний нуқтаи назардан ҳам унинг стратегиясини инобатга олган ҳолда чоралар кўриломоқда. Айтиш жоизки, миграция масалалари ўз ичига фаол, ўрта ёш ва ёш аҳолини қамраб олади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ташқи миграцияга мойил бўлган аҳолининг расмий статистикаси юритилади ва хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини юритаётган аҳолининг мониторинги олиб борилади, чунки бу биринчи галда мамлакатнинг имиджини белгилаб беради. Норасмий миграция билан қамраб олинган аҳолининг мониторингини олиб бориш қийин. Чунки бу йўналишда Ички ишлар вазирлиги, маҳаллаларга ҳам

топшириқлар берилган бўлсада, бундай статистикани юритиш қийин. Чунки вилоятдан пойтахтга меҳнат қилиш учун кетаяпман деб, бошқа вилоятлар ёки қўшни республикаларга чиқиб кетаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Албатта муҳожирларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва давлатлараро маълумот алмашилиши масаласи муҳим[3].

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашувни тўсиқ қўйиб, чегара тортиб ушлаб бўлмайди. Ҳиндистонлик машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қўйидаги сўзларида: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдартўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”. Шунинг учун ҳам, миллий истиқлол ғояси бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айна пайтда. “довуллар”дан сақлаш омили эканлигини англашимиз зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Инқироз ичидаги инқироз: COVID-19 ва халқаро миграция.
2. <https://review.uz/oz/post/inqiroz-ichidagi-inqiroz-covid-19-va-xalqaro-migratsiya>
3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерациясидаги ҳуқуқлари: меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари" мавзусидаги Ўзбекистон - Россия форуми тафсилотлари
4. Наргис Қосимова. “Ўзлимдан воз кечдим” ёки меҳнат муҳожирининг армони.
5. <https://meningfikrim.uz/uz/news/view/253>
6. http://www.ecoross.ru/files/books2019/Katalog_UzGO_2019.pdf
7. http://chinoz.uz/uz/pages/news_uzbekistan/